


МИНТАҚАЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОХİЯТИ АСОСИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
УНИВЕРСИТЕТИ УНИВЕРСИТЕТИ

УМАРОВ АБДУВАХОБ ТУРСУНОВИЧ

МИНТАҚАЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ
АСОСИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ:
НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

“BOOKMANY PRINT”
ТОШКЕНТ – 2024

УЎК: 338(575.1)

КБК: 65.5(5Ўз)

У 479

Умаров А.Т.

Минтақалар иқтисодий салоҳияти асосида барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиши: назария ва амалиёт [Мати]: монография / А.Т. Умаров. – Тошкент: Bookmany Print, 2024. – 204 б.

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Макроиктисодиёт кафедраси мудири и.ф.д., проф. А.В.Вахабовнинг умуний таҳрири остида.

Илмий монографияда минтақани барқарор ривожлантиришининг назарий асослари ва уларнинг эволюцияси, минтақаларнинг барқарор ривожланиш даражасини баҳолашнинг илмий-услубий асослари ва жаҳон амалиёти таҳлил этилган. Шунингдек, минтақа иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлари тизими, барқарор ривожланиш шароитида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар баҳоланган ва улар гурухланган. Ўзбекистон ҳудудларини барқарор ривожлантириш дастаклари ва улардан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган.

Илмий монография мамлакат иқтисодиётида минтақаларни ўрни, уларни барқарор ривожлантириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиши ва уни такомиллаштириш муаммолари билан шуғулланувчи тадқиқотчилар, докторантлар, профессор-ўқитувчилар, магистрантлар ва амалиётчи мутахассислар учун мўлжалланган.

Тақризчилар:

Тагаев Б.Э. – ЎзМУ, Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Муминов Н.Г. – Alfraganus университети Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгаши томонидан 2024 йил 24 майдаги 5-ийғилишида нашрга тавсия этилган.

© Умаров А.Т.

ISBN 978-9910-06-071-7

© “Bookmany Print” нашриёти, 2024.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I БОБ. МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	9
1.1-§. Минтақани барқарор ривожлантиришнинг назарий асослари ва уларнинг эволюцияси	9
1.2-§. Минтақаларнинг барқарор ривожланиш даражасини баҳолашнинг илмий-услубий асослари	20
1.3-§. Минтақаларни барқарор ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлили	31
II БОБ. МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИЩДА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ	42
2.1-§. Минтақа иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлари тизими.....	42
2.2-§. Барқарор ривожланиш шароитида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг гурӯхланиши.....	54
2.3-§. Ўзбекистон ҳудудларини барқарор ривожлантириш дастаклари ва улардан фойдаланиш ҳолати	67
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУДУДЛАРНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАН-ТИРИШ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ.....	82
3.1-§. Янги Ўзбекистон шароитида ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг ҳуқуқий-институционал асослари	82
3.2-§. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ҳудудларнинг тутган ўрни	95
3.3-§. Вилоятларнинг комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг рейтинг кўрсаткичлари.....	108

IV БОБ. МИНТАҚАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ЙЎНАЛИШЛАРИ	БАРҚАРОР ВА УНИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ
4.1-ғ. Минтақани барқарор ривожлантириш стратегиясини шакллантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш	121
4.2-ғ. Минтақани барқарор ривожлантириш стратегияси самарадорлигини ошириш йўллари	132
4.3-ғ. Минтақани барқарор ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг муқобил сценарийлари	143
ХУЛОСА	161
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	167
ИЛОВАЛАР	180

КИРИШ

Жаҳон хўжалиги ривожланиши сўнгги йиллар мобайнида турли глобал ижтимоий-иқтисодий, табиий-экологик ва сиёсий кескинликлар сабабли пасайиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) прогнозларига кўра, “2024 йилда глобал иқтисодиётнинг ривожланиш тенденцияси 2,4 фоизга тенг бўлиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 2,7 фоизга паст ҳисобланади. Шунингдек, эксперtlар фикрича яқин келажакда юқори фоиз ставкаси, мамлакатлар ўртасидаги мажароли ҳолатларнинг авж олиши халқаро савдо айланмасига салбий таъсир кўрсатиши билан биргаликда, глобал иқлимий шарт-шароитларни оғирлаштириши сабабли глобал ўсиш тенденцияси пасайиши кузатилади¹. Бу эса минтақалар иқтисодий ривожланиш салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш заруриятини янада кучайтиради.

Янги Ўзбекистон шароитида “барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш”, “2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини икки баробар ошириш ва даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш”² каби мақсадларга эришишга қаратилган ислоҳотларга устуворлик қаратилмоқда. Жумладан, “юқори технологияларга асосланган саноат йўналишларини жадал ривожлантириш, саноат тармоқларига хусусий инвестицияларни кенг жалб этиш орқали рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, худудларда янги ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш ҳисобидан аҳоли даромадларини ошириш ҳамда йирик тармоқларга илғор халқаро стандартларга асосланган

¹ Темпы роста мировой экономики в 2024 году замедляется до 2,4 процента. ООН. 4.01.2024 г. [Электронный ресурс] URL: <https://news.un.org/ru/story/2024/01/1448302>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараккиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони, 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони, 11.09.2023 й. <https://lex.uz/tu/docs/6600413>

бошқарув тизимини жорий этиш”⁴ ҳисобига “маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илгор технологияларга асосланган саноатни ривожлантириш, саноатнинг “драйвер” соҳаларини ривожлантириш, худудларнинг саноат салоҳиятини тўлиқ ишга солиш”⁵ вазифаларининг белгиланганлиги минтақалар иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳисобида барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг илмий илмий-услубий асосларини такомиллаштиришнинг илмий ва амалий жиҳатдан аҳамиятини янада оширади.

Тадқиқотнинг мақсади минтақалар иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳисобига барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- минтақани барқарор ривожлантиришнинг илмий-концептуал асосларини тадқиқ этиш;
- минтақани барқарор ривожланиш даражасини баҳолашнинг устубий асосларини таҳлил қилиш;
- барқарор ривожланишда минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишнинг илгор хориж амалиётини қиёсий таққослаш ва ундан мамлакатимиз амалиётида ижодий фойдаланиш йўналишларини аниқлаш;
- минтақа иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни гурӯхлаш;
- Янги Ўзбекистон шароитида худудларни барқарор ривожлантиришнинг ҳуқуқий-институционал асосларини таҳлил қилиш
- Ўзбекистонни барқарор ривожлантиришда худудларни салоҳиятидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш ва уларнинг ўрнига баҳо бериш;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат ва унинг базавий тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича ќўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти ПФ-169-сонли фармони, 12.10.2023 й. <https://lex.uz/uz/docs/6633676>

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ПФ-158-сонли фармони, 11.09.2023 й. <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

- минтақани барқарор ривожлантириш стратегиясини шакллантиришнинг услубий асосларини тақомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- барқарор ривожланиш стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари бўйича илмий асосланган прогноз сценарияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот усуслари. Тадқиқот жараёнида гурухлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, иқтисодий-математик усуслари қўлланилган.

Илмий монография ўз олдига қўйган мақсадидан келиб чиқкан ҳолда таркибий жиҳатдан кириш, мантиқан ўзаро боғланган тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Тадқиқот ишининг «Минтақани барқарор ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари» деб номланган биринчи бобида минтақани барқарор ривожлантиришнинг назарий асослари ва уларнинг эволюцияси, минтақаларнинг барқарор ривожланиш даражасини баҳолашнинг илмий-услубий асослари ва жаҳон амалиёти таҳлил этилган.

Тадқиқот ишининг иккинчи боби «Минтақани барқарор ривожлантиришда иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш йўллари» деб номланиб, ушбу бобда минтақа иқтисодий салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлари тизими, барқарор ривожланиш шароитида минтақа иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар баҳоланган ва улар гурухланган. Ўзбекистон худудларини барқарор ривожлантириш дастаклари ва улардан фойдаланиш ҳолати таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг «Ўзбекистонда худудларни барқарор ривожлантириш салоҳиятидан фойдаланиш ҳолати» деб номланган учинчи бобида Янги Ўзбекистон шароитида худудларни барқарор ривожлантиришнинг хукуқий-институционал асослари, мамлакат иқтисодиётида худудларнинг тутган ўрни баҳоланган. Шунингдек,

вилоятларнинг комплекс ижтимоий-иктисодий ривожланишининг рейтинг кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг тўртинчи боби «Минтақани барқарор ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва унинг самарадор-лигини оширишнинг устувор йўналишлари» деб номланиб, ушбу бобда минтақани барқарор ривожлантириш стратегиясини шакллантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш, самарадорлигини ошириш йўллари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, минтақани барқарор ривожлантириш стратегиясини амалга оширишнинг муқобил сценарийлари ишлаб чиқилган.

Илмий монографиянинг хуроса қисмида амалга оширилган монографик, статистик ва аналитик, эконометрик таҳлиллар натижасида илмий хуросалар олинган, минтақалар иктисодий салоҳияти асосида барқарор ривожлантириш стратегиясини шакллантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

І БОБ. МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1-§. Минтақани барқарор ривожлантиришнинг назарий асослари ва уларнинг эволюцияси

ХХ асрнинг охирги ўн йиллиги ва XXI асрнинг бошларидан жаҳонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, минтақалар иқтисодиётининг барқарор ривожланишига эришишга қаратилган илмий тадқиқотлар сони кескин ортди. Жумладан, саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар билан биргаликда бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида ҳам барқарор ривожланишга эришиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Натижада аксарият мамлакатларнинг хукумати томонидан мамлакатда барқарор ривожланиш дастурларини амалга ошириш ва унга эришишни таъминлаш бўйича ишчи гурухлар ташкил этилди. Ўзбекистонда ҳам бошқа мамлакатлар сингари бу каби ишлар амалга оширилди.⁶

Минтақаларни барқарор ривожлантиришнинг назарий асосларини таҳлил қилишда аввало “минтақа” иқтисодий категориясининг мазмун-моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Иқтисодий адабиётда узоқ йиллардан бўён минтақалар иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларини баҳолашнинг илмий-услубий асослари нуфузли халқаро ташкилотлари, етакчи иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларининг эътибор марказида бўлиб келган. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Ж. Тайлор⁷, Э.М. Хувер⁸, М.Р. Страсзхем⁹, Г.Р. Ермошина¹⁰ кабиларнинг илмий

⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг “2030 йилгачча бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ти 841-сон карори. 20.10.2018 й. <https://lex.uz/docs/4013356>

⁷ Armstrong, J. Taylor. Regional economics and policy. 3rd edition. Willey Blackwell Publisher, 2010. – 448 p.

⁸ Hoover, Edgar M. and Giarratani, Frank. An Introduction to Regional Economics. Web Book of Regional Science. 4. – 2020. – 368 pp.

⁹ Peter Mieszkowski and Mahlon R. Wtraszheim (eds.) Current Issue in Urban Economics. – Baltimore: John Hopkins University Press. 1979. – 422 pp

изланишларида минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш масалалари ёритилган.

Шу билан биргаликда, маҳаллий иқтисодчи олимлардан Т.М. Ахмедов¹¹, Б.Т. Салимов¹², Ш.Х. Назаров¹³, А.М. Содиқов¹⁴, И.О. Якубов¹⁵, А. Қодиров¹⁶, И.С. Абдуллаев¹⁷, Т.Ж. Рахимов¹⁸ларнинг илмий асарларида республикамиз минтақалари иқтисодиётiga оид бўлган назарий изланишлар амалга оширилиб, турли илмий қаравшлар ишлаб чиқилган.

Таҳлилларга кўра, минтақа атамаси лотин тилидаги “regio” сўзидан олинган бўлиб, мамлакат, вилоят деган маънони англатади. Аксарият минтақа ижтимоий-иктисодий ривожланишига бағишиланган илмий тадқиқотлар фақатгина минтақа иқтисодиёти билан чекланиб қолмайди. Минтақа иқтисодий категориясига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар 1-иловада келтириб ўтилди. Иқтисодий адабиётда минтақа иқтисодий категориясининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган иқтисодчи олимларининг илмий қаравшарини қиёсий таққослаш асосида айтиш мумкинки, ушбу иқтисодий категорияга бағишиланган ягона илмий қаравш ҳали шаклланмаган. Ушбу вазиятни инобатга олган ҳолда, минтақа иқтисодий категориясига қўйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: “Минтақа –

¹⁰ Ермошина Г.П., Поздняков В.Я. Региональная экономика: Учеб. пособие. – М.: Инфра-М. 2011. – с. 196

¹¹ Ахмедов Т.М. Регулирования территориальной организации производительных сил и комплексное развитие регионов Узбекистана. – Т.: Фан, 1992. с. 186

¹² Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. – Т.: Ўқитувчи – 1995. – с. 186

¹³ Назаров Ш.Х. Совершенствование методологических основ повышения конкурентоспособности регионов Узбекистана. Автореф. дисс. док. экон. наук. – Т.: ИПМИ, 2016. с. 36

¹⁴ Садыков А.М. Ўзбекистон минтақаларини ижтимоий-иктисодий ривожланиши ва уни тартибга солиц механизmlари. Икт. фан. док. дисс. – Т.: ЎзМУ, 2006. 42 б.

¹⁵ Yakubov I.O., Islomov A.A., Sunnatov M.N. Mintaqaviy iqtisodiyot: Darslik. – Toshkent. 2019 – 228 b.

¹⁶ Каҳиров А., Аскарова М. И др. «Региональная экономика. Учебное пособие». – Т.: Издательский дом Инновационного развития, 2018. – 227 с.

¹⁷ Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимини оптимал тартибга солишнинг механизmlарини такомиллаштириш. Икт. фан. доктори (DSc) дисс. автореф., Тошкент – 2017. 66 б.

¹⁸ Рахимов Т.Ж. Худуд иқтисодий тизимини баркарор ривожлантишини эконометрик моделлаштириш. Икт. фан. фалсафа док. (PhD) дисс. автореф., Урганч – 2021. 57 б.

бу бирон бир мамлакат ёки минтақа чегараларида жойлашган, табиий-иклиний, ижтимоий-иқтисодий, тарихий-географик, маданий-маъмурий жиҳатдан ягона бошқарув тизимиға, маълум бир товар ёки хизматларни ишлаб чиқаришда бошқаларга нисбатан устунликка, чуқур ихтинослашувга, мустақил ривожланиш имкониятларига, ташки ижтимоий-иқтисодий алоқаларга эга бўлган мураккаб комплекс тизим хисобланади”.

Иқтисодий адабиётда минтақаларни барқарор ривожлантиришга бағишлиланган илмий қарашлар ўтган асрнинг 20 йилларидан шаклана бошлаган. Жумладан, Л. Вальрас¹⁹, Р. Хикс²⁰, П. Самуэльсон²¹, А. Валд²² каби иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида иқтисодий тизимларнинг барқарорлигини таъминлаш илмий муаммосига устуворлик қаратилган. Ушбу олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда рақобатлашган бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларининг бозор мувозанатини таъминлашда барқарорликнинг бошка иқтисодий жараёнлар билан ўзаро боғлиқлиги тадқиқ этилган. Шу билан биргаликда, барқарорликни таъминлаш муаммосининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатлари таҳлил қилиниб, мамлакат ёки минтақа иқтисодий тизимининг барқарорлиги содир бўлаётган иқтисодий муносабатларнинг барқарорлиги билан боғлиқлиги асосланган.

Мамлакатлар ёки турли минтақалар кесимида барқарор ривожланишни таъминлаш масалалари интитутционал назариялардаги ташкилий масалаларга бағишлиланган илмий қарашларда ҳам ўз аксини топади. Ушбу назариялар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарорлигини таъминлашнинг

¹⁹ Вальрас Л. Элементы чистой политической экономии. –М.: Изограф, 2000. – 448 с.

²⁰ Хикс Дж. Р. Основания экономики благосостояния // Вехи экономической мысли. Том 4. Экономика благосостояния и общественный выбор / Под. общ. ред. А.П. Заостровцева. – СПб.: Экономическая школа, 2004 – 568 с.

²¹ Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика. – М.: Вильямс, 2014. 1360 с. – ISBN 978-5-8459-1714-0.

²² Wald, A. Sequential Tests of Statistical Hypotheses, dans Annals of Mathematical Statistics, vol. 16, № 2, juin 1945, p. 117-186

замонавий назарияларини шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.²³

Иқтисодий адабиётда “барқарор ривожланиш” назарияларининг шаклланиши бир нечта босқичларга ажратилади. XX асрнинг 70 йиллари ўрталари иқтисодий адабиётда “барқарор ривожланиш” назарияларининг шаклланишининг илк босқичи хисобланниб, айрим илмий тадқиқотларда “барқарор ривожланиш” назарияларининг туғилиш босқич сифатида ҳам эътироф этилади. Ушбу даврда барқарор ривожланишга бағишлиган илмий тадқиқотлар минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига эришишда атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни юмшатишга қаратилганилиги билан характерланади. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг мақсадли дастурлари доирасида атроф-муҳитни ҳимоя қилишга қаратилган “Вайронагарчиликларсиз ривожланиш” концепцияси айнан ушбу илмий тадқиқотларнинг натижаларига асосланган хисобланади. Кейинчалик ушбу концепция такомиллаштирилган ҳолда “эко ривожланиш” илмий концепцияси ишлаб чиқилди. Натижада мамлакатлар ва турли минтақаларда ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлашнинг атроф-муҳитга салбий оқибатларини камроқ бўлган замонавий моделлари яратила бошланди.²⁴

XXI аср бўсағасида жаҳон хўжалигига турли мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги ўзаро рақобат курашларининг жадаллашуви натижасида барқарор ривожланиш концепциясини янада такомиллаштириш зарурияти вужудга келди. Ушбу ҳолат иқтисодий адабиётда барқарор ривожланишнинг илмий-назарий асосларини ривожланишининг иккинчи босқичини бошлаб берди. Мазкур босқичда БМТнинг Халқаро комиссияси томонидан “Бизнинг умумий келажагимиз” мавзусидаги ҳисботи эълон қилиниб, ундаги келтириб ўтилган маълумотлар “барқарор ривожланиш” иқтисодий категориясига

²³ Шумпетер Й. Теория экономического развития: Пер. с нем. – М.: Прогресс, 1982. – 401 с.

²⁴ Jackson, Tim. Prosperity Without Growth? The Transition to a Sustainable economy. Sustainable Development Comission. UK. -2009. p. 136. http://www.sd-commission.org.uk/data/files/publications/prosperity_without_growth_report.pdf

жаҳон ҳамжамияти аъзоларининг қизиқишини янада ортишига сабаб бўлди.²⁵ Жумладан, ҳисоботда турли мамлакатлар ва минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши шароитида атроф мухитга етказилаётган заарлар, уларни бартараф этиш зарурияти ва усувлари тӯғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган. Шу билан биргаликда, мазкур ташкилот томонидан эълон қилинган кейинги ҳисоботда барқарор ривожланиш иктисодий категориясининг кенг маънодаги таърифи ишлаб чиқилди. Унга кўра: “барқарор ривожланиш – бу жаҳон ҳамжамияти аъзолари, жумладан, турли мамлакатлар ва минтақаларда истиқомат қилувчи аҳолининг айни дамдаги мавжуд эҳтиёжларини самарали қондириш орқали келажак авлод учун турли хавф-хатарларни намоён бўлишига сабаб бўлмаслик ҳисобланади”²⁶. Барқарор ривожланиш иктисодий категориясининг мазмунини ёритишдаги бундай ёндашувнинг шаклланиши табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни саклаш орқали келажак авлод эҳтиёжлари учун уларни исроф қилишдан тўхташ ғоясини илгари сурилишига сабаб бўлди.

XXI асрнинг бошлари иктисодий адабиётда барқарор ривожланиш назариясининг учинчи ривожланиш босқичи сифатида баҳоланади. Мазкур босқичда барқарор ривожланиш иктисодий категориясининг мазмунини янада чукурроқ тушунтиришга ҳаракат қилинган. Жумладан, минтақадаги ижтимоий-иктисодий тизимнинг ички ёки ташки мухит кўрсаткичларининг ўзгариши шароитида уларнинг ўз функция ва вазифаларини сақлаб қолиш қобилияти барқарор ривожланиш сифатида баҳоланганди. Бунда ижтимоий-иктисодий тизимларнинг барқарорлиги моҳиятини ёритишга устуворлик қаратилган ҳисобланади.²⁷

Иктисодий адабиётда барқарор ривожланиш назариясининг сўнги учинчи босқичи учун хос бўлган

²⁵ Brutland G.H. Our Common Future. Report of UNO Commission on Environmental Protection. 1987. – M.: Progress, 1988. – 58 pp.

²⁶ Report of UNO International Commission on Environmental Protection and Development. 1992. – 50 pp.

²⁷ Ускова Т.В. Управление устойчивым развитием региона: монография / Вологда: ИСЭРТ РАН, 2009. – 335 с.

ижтимоий-иктисодий тизимларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий қарашларни тахлил этиш асосида уларни қуйидаги тартибда гурухлашни амалга оширидик:

- биринчи, ижтимоий-иктисодий тизимнинг барқарорлигини мамлакат ёки минтақанинг хавфсизлиги, ишончлилиги, яхлитлиги ва мустақиллиги орқали тушунтиришга қаратилган илмий қарашлар. Жумладан, Л.И. Абалкин, А. Лившиц, Т.М. Конопляник, Д.В. Гордиенка каби иктисодчи олимларнинг илмий асарларида бундай ёндашувлар намоён бўлади.²⁸ Маҳаллий иктисодчи олимлардан У.А. Мадрахимов тадқиқотлари ҳам айнан мазкур гурухга мансуб бўлиб, унинг фикрича, “иктисодий ўсиш сифати ижтимоий барқарорлик билан бирга, экологик барқарорликни таъминловчи омиллар самарадорлигини ҳам ўз ичига олади ва улар барқарор ўсиш сифатининг кўп омилли эканлигини инобатга олиб, ушбу омилларнинг соҳа ва тармоқлар кесимида натижавий жиҳатларини комплекс тарзда тадқиқ этиш лозим”²⁹. Мазкур ёндашувда минтақанинг ягона тизим сифатидаги барқарорлиги уни ташкил этувчи турли элементлари, улар ўртасидаги ўзаро иктисодий ва ташкилий муносабатлар, турли ички ва ташки босимларга бардошлилиги билан тавсифланади. Бунда минтақа ижтимоий-иктисодий тизимининг барқарорлигини тушунтиришда унинг ишончлилиги, хавфсизлиги, ишончлилиги каби хусусиятларига эътибор қаратилган.

- иккинчи гурух олимлари томонидан барқарор ривожланиш иктисодий категориясининг мазмунини тушунтиришда вакт омилига устуворлик қаратилиши билан характерланади. Н.Ф. Реймерс, М. Блауг, А.Г. Шеломенцева, В.Д. Калашникова каби иктисодчиларнинг илмий изланишларида минтақа ижтимоий-иктисодий тизимининг барқарорлиги маълум бир вакт давомида ундаги эришилган ижобий тенденцияларнинг

²⁸ Гершанок Г.А. Формирования системы устойчивого развития локальных территорий на основе оценки социально-экономической и экологической емкости / Г.А. Гершанок. – М.: Экономика, 2006. – 418 с.

²⁹ Мадрахимов У.А. Ўзбекистонда барқарор иктиносидий ўсиш сифатини ошириш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017, 71 б.

сақланиб туриши билан изоҳланади³⁰. Шунга ўхшаш илмий хулосалар маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ҳам аксини топади. Жумладан, Ю.Мухаммедов томонидан амалга оширилган тадқиқотларда иқтисодий ўсиш вақт билан боғлиқ ҳолда омиллар ўзгариши асосида қисқа (1-3 йил), ўрта (3-5 йил) ва узоқ (5-10 йил) муддатларга ажратилиб ўрганилади. Қисқа муддатли иқтисодий ўсишни баҳолашда меҳнат ва капитал омилларидан фойдаланилса, узоқ муддатда эса технологик ва таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинади.³¹ А. Вахобов эса 5,0 фоиз ва ундан юқори ўсиш кўрсаткичларига эришилган давр барқарор иқтисодий ўсиш сифатида қаралиши³² таъкидлаган.

- учинчи ёндашувда минтақанинг барқарорлиги сифатида ундаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда динамиклик мувозанатни сақлаш имкониятларига эътибор қаратилади. В.А. Кретинин ва Е.С. Бодряшовлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижаларига кўра, минтақа хўжалиги тизимининг иқтисодий барқарорлиги унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг ўзаро тенг мувозанатли динамиклигини таъминлашда акс этади, деган хулосалар олинган.³³ Бунда динамик мувозанатлиликни таъминлаш дейилганда минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи турли омилларни инобатга олган ҳолда, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолиш назарда тутилган. Маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида ҳам шунга ўхшаш илмий хулосалар олинган. Жумладан, Т. Шодиев иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи ахборот технологиялари, аҳоли саводхонлиги омиллари ижтимоий иқтисодий тизимнинг

³⁰ Вечкаллов Г. Макроэкономика, / Г. Вечкаллов, Г. Вечкалова. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2004. – с. 280

³¹ Мухаммедов Ю. Барқарор ижтимоий-иктисодий ўсишининг омиллари ва эконометрик моделлари (Ўзбекистон Республикаси мисолида): и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. ТДИУ. – Т., 2006. – 23 б.

³² Вахобов А. Зайнитдинова У. Барқарор иқтисодий ўсиш омиллари / Бозор, пул ва кредит – Т., 2011, № 6, 38-42 б.

³³ Блауберг И.В. Становление и сущность системного подхода / И.В. Блауберг, Э.Г. Юдин. – М.: Наука, 1973. – 270 с.

самарали амал қилишини таъминлайди,³⁴ деган ғояни илгари сурган бўлса, И. Қаюмова эса инновациялар, бизнес муҳити ва тадбиркорлик шароити, ахборот коммуникация тизими ва таълим даражаси каби омилларга устуворлик каратган.³⁵ С. Чепель эса юқоридаги маҳаллий иқтисодчи олимлардан фарқли ўлароқ, аҳоли саводхонлиги, ишбилармонлик муҳити, минтақадаги давлат институтларининг минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг муҳим омиллари сифатида баҳолайди.³⁶

Таҳлилларга кўра, иқтисодий адабиётда минтақаларда барқарор ривожланиши таъминлаш илмий муаммосига багишланган кўпсонли илмий изланишлар амалга оширилган бўлиб, ҳали ҳануз минтақаларнинг барқарор ривожланиши иқтисодий категориясига умумлашган таърифлар ишлаб чиқилмаганлиги кўзга ташланади. Ушбу ҳолат амалга оширилган тадқиқотларнинг обьектидан келиб чиқсан ҳолда, тор йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширилганлиги билан изоҳланади. Жумладан, айрим тадқиқотларда минтақаларнинг барқарор ривожланиши моҳиятини тушунтиришда иқтисодий ўсиш ва унга таъсир кўрсатувчи омилларга устуворлик қаратилган бўлса, айримларида эса, факатгина минтақа иқтисодиёти мазмун моҳияти ёритилганлиги билан чекланган ҳисобланади.

Минтақаларни барқарор ривожлантиришнинг илмий-назарий асосларини таҳлил қилиш асосида куйидаги илмий хуросалар олинди:

- биринчи, минтақанинг барқарор ривожланиши – бу кейинги авлод вакиллари учун қўшича харажатларни келтириб чиқаришини олдини олишга қаратилган таббий ресурслардан

³⁴ Шодиев Т.Ш. Ишлаб чиқаришини модернизациялаш, интеллектуаллаштириш ва диверсификациялаш асосида иқтисодий ўсиш сифатини ошириш / «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали, Т.: 2011 йил сентябрь

³⁵ Каюмова И.О. Ўзбекистонда иқтисодий ривожланишининг янги сифат боскичи жараёнларини эконометрик тадқиқоти. Икт. фан. док. дис. – Т., 2012. -289-б.

³⁶ Экономический рост и инновации: теория, практика и моделирование. // Колл. авт. под общий редакцией С.Чепель. – Т.: 2010; Влияние экономического роста на сокращение доли малообеспеченного населения Узбекистана. / Колл. авт. под ред. С.Чепель. – Т.: 2012.

марали фойдаланишга асосланган ҳолда иқтисодий ўсишга ишишни назарда тутади;

- иккинчи, минтақанинг барқарор ривожланиши – бу оддий неъматларни доимий, узлуксиз равишда одатий ёки өнгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқариш жараёнларини ғамарали ташкил этиш орқали келажак авлод учун минтақанинг ишлаб чиқариш-иктисодий салоҳиятини юкори даражада сақлаб қолишга қаратилган ривожланиш шакли ҳисобланади;

- учинчи, минтақанинг барқарор ривожланиши – бу минтақадаги табиий ва иқтисодий оғатларнинг салбий оқибатларини минималлаштирган ҳолда, турли авлодлар ўртасидаги ташқи таъсирни максималлаштиришга қаратилган ривожланишни англатади.

Фикримизча, минтақаларни барқарор ривожлантириш бугунги кунда нафакат ижтимоий, иқтисодий ва экологик омиллар балки, инновацион омиллар билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, бугунги кунда инновациялар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан биргаликда узок муддатли истиқболда барқарор ривожланишга эришишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.



1.1-расм. Минтақаларни барқарор ривожлантириш концепциясини амалга оширишининг замонавий механизми³⁷

Юқоридаги вазиятни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда мамлакатимизда минтақаларни барқарор ривожлантиришда ижтимоий, иқтисодий, экологик ва инновацион омилларни ўз ичига олган барқарор ривожланиш

³⁷ Муаллиф ишланмаси.

концепцияларини амалиётга жорий этилишини қўллаб-куватлаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунда мамлакатимиз минтақаларини барқарор ривожлантириш концепциясини амалга оширишнинг замонавий механизмига асосланиш лозим бўлади (1.1-расмга қаранг). Таклиф этилаётган механизм ҳар томонлама мукаммал бўлиб, у кўйидаги тўрт йўналишларда амалга оширилади:

биринчи, ижтимоий йўналишда:

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- ижтимоий хизматлар қўрсатиш сифатини яхшилаш ва қамров даражасини ошириш;
- аҳоли бандлигини қўллаб-куватлаш ва уларнинг даромадларини ошириш;

иккинчи, иқтисодий йўналишда:

- соғлом рақобат ва кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш;
- иқтисодиёт тармоқларига инвестицияларни кенг жалб қилиш;
- импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

учинчи, инновацион йўналишда:

- иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага инновациялар-ни жорий этишни кенгайтириш;
- билимга асосланган иқтисодиётга босқичма-босқич ўтиш;
- молиявий ва яшил инвестициялар ҳисобидан минтақанинг инновацион салоҳиятини ривожлантириш; ва ниҳият тўртингчи, экологик йўналишда:
- экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- иқтисодиёт тармоқларини босқичма-босқич яшил иқтисодиётга ўтказиш;
- иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада мукобил энаргиядан фойдаланишни рағбатлантириш

Юқорида билдирилган таклифларга асосланган ҳолда, мамлакатимизда минтақаларни барқарор ривожлантириш концепциясини амалга ошириш орқали узок муддатли истиқболда нафакат минтақалар, балки, яхлит мамлакатимиз

иктисодиётининг барқарор ривожланишига эришилади. Жумладан, иктиносидёт тармоқларини билимга асосланган, яшил иктиносидётга ўзказиш жадаллашиб, юкори қўшилган кийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади.

1.2-§. Минтақаларниң барқарор ривожланиш даражасини баҳолашининг илмий-услубий асослари

Мамлакатнинг ижтимоий-иктиносидий ривожланиш даражаси, унинг ривожланиш стратегиялари, иктиносидий ўсиш тенденцияларининг барқарорлиги, унинг рақобатбардошлиги кўрсаткичлари минтақаларниң ижтимоий-иктиносидий ривожланиш имкониятлари ва уларнинг ривожланганлик ҳолати билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Иктиносидий адабиётда “минтақа” иктиносидий категориясининг турли таърифлари шаклланган бўлиб, улар амалга оширилаётган тадқиқотларниң обьекти ва предметидан келиб чиқсан ҳолда баҳоланади. Мамлакат иктиносидётининг рақобатбардошлигини баҳолашда унинг минтақавий жиҳатларини таҳлил қилишда минтақаларниң иктиносидёти тизимли равишда таҳлил этилиши лозим бўлади. Бу турдаги тизимли таҳлилни амалга оширишда мамлакатнинг ижтимоий-иктиносидий ривожланиш кўрсаткичларига эришишида минтақаларниң тутган ўрни ва уларнинг аҳамиятига эътибор қаратиш зарур.

Мамлакат ёки минтақаниң барқарор ривожланиш кўрсаткичини баҳолаш назарияси таҳлилига кўра, ушбу жараён бир мунча мураккаб ҳисобланиб, ушбу ҳолат барқарор иктиносидий ривожланиш тушунчасининг кенг қамровли тушунча эканлиги билан тавсифланади. Хусусан, минтақаларниң барқарор ривожланиш даражасини баҳолашда унга таъсир кўрсатувчи иктиносидий, ижтимоий, сиёсий, географик, маданий ва шу каби бошқа кўрсаткичларини қиёсий таққослаш зарур бўлади.